



ХОКИМ

Самарқандской области
Республики Узбекистан

53

ХОКИМИ

ҚАРОР—ПОСТАНОВЛЕНИЕ

йил „16“ апрель

№ 77-К

Самарқанд вилояти худудидаги
Қоратепа сув омборининг, ма-
гистрал каналларнинг, туман-
лараро оқиб ўтувчи зовурлар-
нинг қирғоқ бўйи минтақасига ер
майдонини ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Ер тўғрисида” ги Қонунининг 12, 14, 48
моддаларига, Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 7 апрелдаги 174 рақамли,
вилоят ҳокимининг 1994 йил 1 авгуустдаги 485 рақамли қарорларига асосан
вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бирлашмасига вилоятимиз худудидаги сув
омборлари, магистрал каналлар, туманлараро оқиб ўтувчи зовурларнинг сув-
ларини ифлосланишини олдини олиш, унумдор ер майдонларни сақлаб қо-
лиш, емирилиш жараёнларини ва бошқа заарали таъсирларни олдини олиш
учун Иштихон, Оқдарё, Паст Дарғом, Жомбой, Пайариқ, Ургут туман ҳоким-
ларининг қабул қилган қарорларини кўриб чиқиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Самарқанд вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бирлашмасига вилоят
худудидаги сув омборларни, каналларни, зовурларни қирғоқ бўйи муҳофаза
оралиғига ер майдонини ажратиш тўғрисидаги Иштихон туман ҳокимининг
1996 йил 2 авгуустдаги 457-к, 458-к рақамли, Оқдарё туман ҳокимининг 1996
йил 18 июндаги 136-к рақамли, Гузалкент туман ҳокимининг 1996 йил 22
мартдаги 109-к рақамли, Паст Дарғом туман ҳокимининг 1996 йил 11 марта-
даги 57/3 рақамли, Жомбой туман ҳокимининг 1996 йил 26 февралдаги 165-к
рақамли, Пайариқ туман ҳокимининг 1996 йил 3 октябрдаги 364-к рақамли,
Ургут туман ҳокимининг 1996 йил 17 сентябрдаги 311-к, 313-к рақамли қа-
рорлари хўжаликлар ва ер турлари кўрсатилган иловага асосан тасдиқлан-
син.

2. Сув омборларни, каналларни, зовурларни қирғоқ бўйи минтақаси
учун ажратилаётган ер майдонлари Самарқанд қишлоқ ва сув хўжалиги бир-
лашмасига табиатни муҳофаза қилиш ва бошқа тадбирлар ўтказиш учун фой-
даланиш топширилсин.

3. Ушбу қарор бажарилишини таъминлаш вилоят ҳокимининг ўрин-
bosари И. Усмоновга юклатилсин.

Вилоят ҳокими



А. МАРДИЕВ